

Умму Салама розияллоху анҳонинг фазллари (иккинчи мақола)



20:00 / 25.07.2019 1739

Иккинчи ҳижратлари

Улар Маккага қайтиб борганларида ўзлари истаган ҳолатни топа олишмади. Яна хавф-хатар ва доимий таҳдид остида яшашга тўғри келди. Улар яна Ҳабашистонга қайтиб кетишни ният қилиб турганларида Мадинада одамларнинг мусулмон бўлганлари, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга байъат қилганлар у ерда Исломни тарқатаётганлари ҳақида хабар келиб қолди. Абу Салама розияллоху анҳу ўша ёққа ҳижрат қилишга қарор қилиб, оиласи билан яна биринчилар қаторида ҳижратга отланди. У иккинчи Ақоба байъатидан олдин ҳижрат ҳаракатига тушди ҳамда бошқалардан беркинмай, ошкора ҳижрат қилишни афзал кўрди.

Бу тарихий ҳодисанинг тафсилотини унинг бевосита иштирокчиси Умму Салама онамиз розияллоху анҳонинг ўзларидан «Усдул Ғоба» китобининг муаллифи ва бошқа сийрат уламолари қуйидагича келтирадилар:

«Абу Салама Мадинага чиқишга азму қарор қилганда мен учун туясини ҳозирлади. Сўнгра мени унга миндирди. Унга ўғлим Саламани ҳам миндирди. Бола қўйнимда эди. Сўнгра туясини ҳайдаб, йўлга тушди. Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзумнинг одамлари уни кўриб,

Ўринларидан турдилар ва:

«Ўзинг-ку, бизга кўнмай, кетмоқдасан, мана бу соҳибангга нима бор? Нима учун юртда истаганингни қилиб юришингга қўйиб қўяр эканмиз?» дедилар.

Улар унинг қўлидан туянинг тизгинини тортиб олдилар ва мени ўзлари билан олиб қолдилар. Ана шунда Абу Саламининг уруғи – Бану Асад ғ азабга келди. Улар:

«Аллоҳга қасамки, агар уни бизнинг соҳибимиздан тортиб, олиб қоладиган бўлсангиз, биз ҳам қўлимизни у билан бирга қўймаймиз!» дедилар.

Бас, улар ўғлим Саламани ўзаро талашиб-тортишиб кетдилар. Охири унинг қўлини чиқариб ҳам қўйишди. Бану асадликлар уни олиб кетишди. Бану муғ ийраликлар мени тутиб қолишди.

Эрим Абу Салама Мадинага қараб кетворди. Мени ҳам эримдан, ҳам қўлимдан жудо қилишди. Ҳар куни эрталаб Абтоқга чиқиб ўтирар эдим. Кеч киргунча йиғлар эдим. Шу алфозда бир йил ёки бир йилга яқин вақт ўтди. Бир вақт олдимдан амакимнинг уруғидан бир киши ўтиб қолди. У Бану Муғ ийрадан эди. У менинг қўлимни кўрди. Менга раҳми келди. У Бану муғ ийраликларга:

«Манави бечорани чиқариб юбормайсизларми?! Уни боласидан жудо қилибсизлар-ку!?» деди.

«Агар хоҳласанг, бориб, эрингга қўшилиб ол», дейишди.

Шундагина Бану асадликлар менга ўғлимни қайтаришди.

Бас, мен туямни ҳозирладим. Сўнгра ўғлимни олиб, қўйнимга солдим ва Мадинадаги эрим томон равона бўлдим. Мен билан ҳеч ким йўқ эди. Эримга етиб олгунимча йўлиққан одамдан ёрдам сўрайвераман, дедим.

Танъимга етганимда Бану абдуддорлик Усмон ибн Толҳа ибн Абу Толҳани учратиб қолдим. У менга:

«Эй Абу Умоманинг қизи, қаёққа?» деди.

«Мадинадаги эримнинг олдига», дедим.

«Сен билан бирор киши йўқми?» деди.

«Йў! Аллоҳга қасамки, фақат Аллоҳ бор ва мана бу ўғилчам бор», дедим.

«Аллоҳга қасамки, сени тарк қилиб бўлмас», деди.

У туянинг жиловидан тутди ва менинг ҳамроҳим бўлиб, етаклаб кета бошлади. Аллоҳга қасамки, араблардан ундан кўра карамлироқ кишига ҳам сафар бўлмаганман. У бир манзилга етганимизда туяни чўктириб, ўзи четга чиқиб турар эди. Мен тушиб олганимдан кейин туямдаги нарсаларни туширар ва уни олиб бориб, дарахтга боғлар эди. Ўзи эса бирор дарахтнинг соясига ёнбошлар эди. Эрталаб бўлганда туямга борар, уни тайёрлар ва юкларни ортар эди. Кейин эса ўзи четга чиқиб турар ва менга «Мин», дер эди. Мен туямга миниб, у қоматини ростлаганда келиб, жиловни ушлаб, етаклашни бошлар эди. У шундай қилиб, мени Мадинагача олиб борди.

У Бану Амр ибн Авф қишлоғини кўрганда:

«Эринг мана шу қишлоқда, унга Аллоҳнинг баракаси ила кир», деди ва Маккага қайтиб кетди. Абу Салама ўша ерга тушган эди».

Умму Салама розияллоҳу анҳо Мадинага биринчи ҳижрат қилиб борган аёллардан эдилар. «Мадинага биринчи ҳижрат қилиб келган аёл Омир ибн Робийъа розияллоҳу анҳунинг хотини Лайло бинти Хасма. Умму Салама розияллоҳу анҳо иккинчилар», деган уламолар ҳам кўп.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан